

УДК. 631. 3.631.117.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЕТИШТИРИШДА ТУПРОҚНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ЭКИШНИ БИРЛАШТИРИШ

А.С.Атаниязов

*Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
Лабораторияси мудири*

Д.Б.Жуманазаров

*Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш
Лабораторияси лаборанти*

Аннотация; *Қорақалпоғистон шароитида ерни экишга тайёрлаш давридаги жараёнлар сони бошқа минтақаларга нисбатан анча кўп, яъни улардан ерни суғориш, эрта баҳорда бороналаш, асосий ишлов бериш, тўпроқни экишга тайёрлаш, икки мартаба чизеллаш, икки мартаба дискалаш, уч мартаба бороналаш, уч мартаба текислаш, уч мартаба молалаш ва ўз олдига экиш операцияси амалга оширилади*

Қорақалпоғистон Республикасида пахта ҳосилини етиштириш энг шимолий минтақада жойлашганлиги билан ажралиб туради. Бошқа минтақаларга нисбатан ер билан ишлашда 2-3 барабар меҳнат кўп сарфланади. Тупроқдаги чириндиларнинг камлиги ва шўр ювиш туфайли тупроқнинг зичлиги юқори бўлади.

Тупроқнинг қаттиқлиги юқори бўлганлиги туфайли ерни экишга тайёрлашда агрегатларнинг даладан бир нечта марта қайталаб ишлашига мажбур бўлади. Шу боис Республиканинг тупроқ-иқлим шароитига мос келадиган тупроқни экишга тайёрлаш технологиясини ва экишни бирлаштирувчи техника воситаларининг комплексини яратиш, уни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Қорақалпоғистон шароитида ерни экишга тайёрлаш давридаги жараёнлар сони бошқа минтақаларга нисбатан анча кўп, яъни улардан ерни суғориш, эрта баҳорда бороналаш, асосий ишлов бериш, тўпроқни экишга тайёрлаш, икки мартаба чизеллаш, икки мартаба дискалаш, уч мартаба бороналаш, уч мартаба текислаш, уч мартаба молалаш ва ўз олдига экиш операцияси амалга оширилади. Шу сабабдан агрегатларнинг далани босиб, топташи янада кўпроқ бўлади.

Тупроқга ишлов беришда кераксиз ўзини оқламайдиган ортиқча техник операциялардан ҳалос бўлиш учун, айниқса дала нам бўлганда тупроқнинг тури ва иқлим шароитига қараб далага минимал ишлов бериш зарур.

Далаларга шундай ишлов бериш анча кам энергия талаб қилади, ҳосилдорликни сақлаган ҳолда тупроқга ишлов берадиган воситаларнинг сони камайди. Бунда тупроқга механик таъсирининг камайтирилиши, тупроқнинг ҳайдов қатлами ва ҳайдовдан пастки қатламларнинг ортиқча зичланишидан сақлайди.


Мана шу талабларнинг барчасини кузги шудгор ва кенг қамровли тупроқ юзасига ишлов берадиган махсус текислагичдан фойдаланиш ва чопиқ тракторига ўрнатилган культиватор базасида тупроқни экишга таёрлаш ва экиш операцияларни бирлаштирувчи комбинациялашган агрегат орқали қаноатлантириш мумкин.

Шу сабабдан Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот институтида (ҚҚДИТИ) экспериментал агрегат ва унинг тупроқ шароитига мослаштирилган ишчи органлари ишлаб чиқилди.

Пахтачилик культиваторининг олдинги қисмига тупроқни йўлакча шаклидаги эгатга ишлов беришга мўлжалланган махсус қирқувчи пичоқ (бритвасимон) ишчи органлари ўрнатилади (1-расм).

Агрегатнинг орқа бўлимига диски экиш сошниклари 8 қушли пружина босим билан сошник ўрнатилади.

Культиваторнинг олдинги секцияларига 2 эгатдаги тупроқнинг юза қисмини майин юмшатишга мўлжалланган икки дона бритвасимон ишчи органлар 3, орқа томонида эса қатор ораларига ишлов бериш учун икки дона бритвасимон ишчи органлар 9 жойлаштирилади. Бу ҳолда биринчи ва иккинчи жуфт бритвасимон ишчи органлари 8-10 см чуқурликда тупроқни юмшатишга созлаб қуйилади. Кейинги брусга 5 экиш аппарати билан уруғ солинадиган бункер 4 жойлаштирилади. Уруғни дон сеялкаси диски экиш сошникларига ўхшаш, лекин кучли босимда ерга кирадиган ўткир махсус параметрдаги сошниклар ишлаб чиқилган.



1-расм. Чопиқ трактори базасида тупроқни экишга тайёрлаш ва экиш операцияларини бирлаштирувчи қирқувчи ишчи органлар билан жиҳозланган агрегат схемаси

1-чопиқ трактори; 2- олд секция; 3,9- қирқувчи ишчи органлар; 4-ўғит аппарати; 5- кейинги рама; 6- ўғит ўткизгич; 7-таянч ғилдирак; 8-дискали сошник; 10-занжир.

Илмий-тадқиқот натижасида оддий услуб билан амалга ошириш мумкин бўлмаган сифатли тупроқга ишлов бериш ва қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини сифатли экишини таъминлайдиган комбинациялашган агрегатнинг иш кўрсаткичлари аниқланади.

Хулоса

Қишлоқ хўжалик деҳқончилигида янги технология ва техникадан фойдаланиб ишнинг савиясини орттириш эвазига, иш унумдорлигини бир нечта баробар орттириш, Ўзбекистонда тупроқни экишга тайёрлаш ва экишда олдин қўлланилмаган услубларининг илмий янгиликларини аниқлаш ва амалиётга тадбиқ этишдан иборат.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

1. Аминов С. Технологические основы механизации хлопководства зоны Приаралья. Монография. Нукус. Изд. «Билим» 1998 г.

2. Аминов С., Кайпов М.У., Ибрагимов К. Орудия для предпосевной обработки почвы // AGROILM. Тошкент-2019, №8.